



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

РЎЗНОМА 1928 ИЛИ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

• 1991 йил 2 март • шанба •
• № 44 (10.040). Баҳоси 10 тийин.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

27 февраль куни Тошкент вилоят партия қўмитасининг бюро ва котибият мажлиси бўлиб ўтди.

Бюро мажлисида СССР референдумига тайёргарлик кўриш қандай бораётганлиги муҳокама қилинди ва уни ўтказиш юзасидан чоралар белгиланди.

«Меҳнатқашларни байналмилал тарбиялаш бўйича Бекобод шаҳар партия қўмитасининг иши тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Бекобод шаҳар партия қўмитаси меҳнатқашларни байналмилал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш борасида муайян иш қилаётганлиги таъкидланди. Байналмилал тарбия соҳасидаги тадбирларга аҳолининг тур-

ли қатламлари жалб қилинмоқда. Истиқомат жойларидаги ишга эътибор кучайтирилди. Партия ва меҳнат фахрийлари байналмилал ва ватанпарварлик тарбияси юзасидан катта иш олиб бормоқдалар.

Бекобод шаҳрида халқ байрамлари, «Наврўз», корейларнинг «Тано», татарларнинг «Сабантўй» ва бошқа маросимлари тикланмоқда. Кейинги икки йил ичида шаҳарда 354 та миллатлараро никоҳ қайд қилинди. Халқлар дўстлиги фестивалларини ўтказиш тажрибаси эътиборга ва кенг ёйишга сазовордир. Бу байрамларга мамлакат бошқа минтақаларининг вакиллари таклиф қилинмоқда.

Шаҳарнинг, унинг партия ва совет идораларининг Тожикистон ва Қирғизистоннинг қўшни

районлари билан иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорлиги самарали ривожланмоқда. Шаҳар рўзномалари, радио, корхоналарнинг кўп нусхали матбуоти миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбияни такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Шу билан бирга бюро Бекобод шаҳар партия қўмитасига ўз фаолиятининг шакл ва усулларини танқидий таҳлил қилиш, уни ҳозирги ҳаёт воқеликларига мувофиқлаштириш, мазкур ишдаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этишни тавсия этди.

«Жинойатчиликка қарши курашда Чирчиқ шаҳар партия ташкилоти коммунистларининг роли тўғрисида»ги масала

(Давоми 2-бетда).



Бог яратган одам катта савобга даҳлдор. Ота-боболаримизнинг бу иборасида ҳикмат кўп. Бекобод ноҳияси Ленин номида жамоа хўжалиги аъзолари ярим

гектар майдондаги лимонзорда яхши ният билан деҳқончилик қилдилар. Суратда: ҳосилни териб олиш пайти.

Сураткаш А. МАЛЬЦЕВ.

БЕЛОРУССИЯ ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВЛАР

МОГИЛЕВ, 28 февраль. (ТАСС). М. С. Горбачев Беларуссияда бўлишининг учинчи куни Могилёв вилоятига сафар қилди. Чернобыль авариясидан кўпроқ жабрланган минтақалардаги ҳозирги вазият билан танишиш давом этмоқда. Президентнинг фикрича, бу ҳамма маънода Беларуссияга сафарининг асосий мақсадидир. Краснополюе, Чериков, Славгород, Бихов ва Костюковичи районлари аҳолиси билан бўлган суҳбатларда М. С. Горбачев аҳоли бошига тушган синовлар муносабати билан раҳбарият номидан яна бир марта ҳамдардлик билдирди. Президент Чернобыль фалокати зонасига келганилиги унга авария оқибатларини тугатиш борасида қилинган ишларнинг ҳаммасига аниқ-равшан баҳо бериш ва яна қилиниши керак бўлган ишларни режалаштириш имконини берганини айтди. Кўпгина муаммоларни кечиктирмай ҳал қилиш керак, деб таъкидлади давлат бошлиғи, бу ишлар тезда чора-тадбир кўрилишини, мамлакатдаги барча жумҳуриятлар иштирокини талаб қилади. Беларуссия ҳам Россия ва Украинанинг бошқа минтақалари сингари бошига тушган кулфатни енгилда ёлғиз қолмайди.

М. С. Горбачев куннинг иккинчи ярмида вилоят шаҳарлари ва районлари, корхоналари, хўжаликлари ва муассасаларининг раҳбарлари билан, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашди. Бу учрашув Бихов шаҳрида бўлди.

Чигит экинга шаймисиз?

ДЕҲҚОН ЕНГ ШИМАРДИ

БУКА. (Ўз мухбиримиздан). Кўклам эшик қоқмоқда. Қадемай далаларда иш қизиб кетади. Мавсумга барча керакли воситаларни шай қилиб қўйиш учун курашаётган миришкор деҳқонлар ҳозирнинг ўзидаёқ бир қатор тадбирларни амалга ошириб қўйдилар. Улар энг аввало иш қуролини соз бўлса, машаққатнинг оз бўлур, деган нақлга амал қилиб, мавжуд техникаларни пишиқ-пухта сошлаб, қайта-қайта текширишдан ўтказмоқдалар. Бу жиҳатдан Мишурин номидаги колхозда олиб борилаётган ишлар мақтовга сазовордир.

Кун кеча ноҳиянинг бир гуруҳ нуфузли мутахассислардан иборат комиссияси мазкур хўжаликда бўлиб, таъмирловчиларнинг ишларига юқори баҳо берди. Мавжуд 16 та ҳайдов, 22 та чигит тракторлари, барча хилдаги экин механизмлари, бороналар, культиваторлар экинга тахт қилиб қўйилганлиги қайд этилди.

Бу хўжаликдан ўрناق олиб, бошқа хўжаликларда ҳам техникани созлашни тезроқ тугаллаш тавсия этилди.

Ноҳияда, шунингдек, ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида чиритилган гўнг тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу соҳада махсус тадбирлар ишлаб чиқилган, уларнинг амалга оширилиши назорат қилиниб, анча дуруст натижаларга эришилган. Таҳминий ҳисоб-китобларга қараганда ҳозиргача ноҳия бўйича 11 минг тоннадан ортиқ чиритилган гўнг жамғарилди. Айниқса, «Ленин йўли», «Ленинбод», «Ҳамза номидаги колхозларда ажратилган техника, ишчи кучларида ҳам самарали фойдаланиб, ҳар

йилдагидан кўра кўп маҳаллий гўнг жамғарилди. Бу гўнглар махсус картограмма асосида ҳар бир дала, участканинг ҳолатига қараб ерга солинади. Чигит экиндан олдин, гўза парварлиги даврида фойдаланилади.

Дала ишлари бошланиб, уруғликлар ундирлиб, ниҳоллар парварлишига киришилгач шониб қолмаслик учун ариқ-зовурларни барвақт тайёрлаб қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ноҳияда бу соҳада 11 минг 695 куб метр ҳажмдаги тупроқ ишлари бажарилди. Ҳар кун 500 куб метрга яқин ариқ-зовурлар тозаланмоқда.

Пахтакорлар чигит экинни ўз вақтида ва уюшқоқлик билан ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирларни ҳам маромида ўтказиш учун ҳаракат қилмоқдалар.



Ширин-шакар мева егитиришни мўлжал қилган Ғалаба ноҳияси «Огонёк» совхозини 2-бўлим 6-бри-

гадаси аъзоси Зицанда Кирилова дарахтни буталапти. Суратни Р. ГАЛИЕВ тасвирга туширган.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

[Боши 1-бетда].

ла муҳокама қилинаётганда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ишида Чирчиқ коммунистлари, партия, совет, ҳўжалик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаоллиги кучайганлиги тўғрисида айтиб ўтилди.

Шаҳар саноат корхоналари ва ташкилотларнинг раҳбар коммунистлари, бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига техник ва молиявий ёрдам кўрсатиш борасидаги ижобий тажрибаси маъқулланиш ва янада кенг ёйишга арзийди.

Шаҳар Совети коммунист депутатлар таклифи билан шаҳар прокуратураси, халқ суди, адвокатура, нотариал идора иши учун зарур маблағлар ажратилиб, яхши шароитлар яратиб берилди.

Кўрилган тадбирлар жиноятчилик ва ҳуқуқ-тартиботнинг аҳолига ижобий таъсир кўрсатди. 1990 йил якунлари бўйича Чирчиқда жиноятчилик камайганлиги қайд қилинди. Оғир жиноятлар, шу жумладан қотиллик, оғир тан жароҳатлари етказиш, босқинчилик, давлат ва шахсий мулкларни ўғирлаш каби оғир жиноятлар сони камайди.

Бироқ деб таъкидлаб ўтишди биро аъзолари, Чирчиқ партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолиятида ҳали ҳам фойдаланилмаётган резервлар ҳамда камчиликлар мавжуд. Кейинги вақтда шаҳар партия кўмитасининг мувофиқлашти-

рувчи роли бирмунча сусайиб қолди, кўнгилли халқ дружиналари, шаҳардаги корхона ва ташкилотларда ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш кенгашлари ишида коммунистларнинг фаол қатнашишини таъминлаш юзасидан қатъий чоралар кўрилмаяпти.

Чирчиқ шаҳар партия кўмитаси ва шаҳар ижроия кўмитасининг раҳбар коммунистларига ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш ишида айтиб ўтилган нуқсонларни бартараф этиш, кўнгилли халқ дружиналари, ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш кенгашлари, бошқа жамоат тузилмалари фаолиятини тиклаш юзасидан самарали чоралар кўриш, бунда коммунистларнинг фаол қатнашишини таъминлаш вазифалари топширилди.

Тошкент вилоятида Наврўз халқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий кўмитаси таркиби кўриб чиқилди ва тасдиқланди. «Металлолом тайёрлаш ва топшириш ишини ташкил этишдаги жиддий нуқсонлар тўғрисида» вилоят партия кўмитаси ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлимининг хатини муҳокама қилиш чоғида жиддий гаплар айтилди.

Кейинги вақтда вилоятда қора металл чиқиндиларини йиғиш ва топширишда жуда оғир аҳвол вужудга келди. Ўзбекистон металлургия заводи ана шу металл билан ишлайди. Металлолом мунтазам равишда кам етказиб берилаётганлиги завод ишини издан чиқарди, корхона шартнома топшириқларини доим

барбод қиладиган бўлиб қолди. Утган йили халқ ҳўжалигига 78 минг тонна пўлат, 73 минг тонна тайёр прокат, жами 15 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди.

Биро вилоят корхоналари ва ташкилотлари металлолом ва қора металл чиқиндилари топшириш давлат режаларини бажариш юзасидан ташкилий сиёсий ишлар етарли олиб бормаётганликлари ва назоратни сусайтирганликларига шаҳар, ноҳия партия кўмиталари котиблари, шаҳар, ноҳия ижроия кўмиталари раисларининг жиддий эътиборини қаратди.

1990 йил ва шу йилнинг январида Ўзбекистон металлургия заводини металлолом билан таъминлаш борасида «Узворчермет» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбар -коммунистларининг ишни қониқарсиз ташкил этганликлари таъкидланди.

Котибият мажлисида Оҳангарон ноҳия партия кўмитасининг XXIV вилоят партия конференцияси қарорлари асосида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кучайтириш масалаларини ҳал этишда колхоз ва совхоз партия кўмиталарининг ролини ошириш юзасидан ҳисоботи тингланди.

Колхоз ва совхоз партия кўмиталари озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан баъзи ижобий ишлар қиладиганликлари билан бирга қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш учун ерлардан ва одамлар кучидан янада самарали фойдаланишга етарлича манфаатдорлик кўр-

сатмаётганликлари таъкидлаб ўтилди.

Котибият партия ташкилотларига раҳбарликни амалда қайта қуриш, улар фаолиятини пухта ва чуқур таҳлил этишни ноҳия партия кўмитасидан талаб қилди. Ҳўжаликларнинг партия кўмиталари билан биргаликда моддий-техника кучларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалик экинлари, чорва ҳамда парранданинг ҳамма турлари маҳсулдорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда коммунистлар, бошланғич партия ташкилотларининг мавқеини кучайтириш бўйича аниқ тадбирлар белгилаб, рўйбга чиқарилиши керак.

Вилоят ижроия кўмитаси, вилоят агросаноат уюшмасининг раҳбар-коммунистлари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашнинг режаланган ҳажмларини ўз вақтида бажаришда Оққўрғон район колхоз ва совхозларига зарур ёрдам кўрсатинлар.

«1990 йилда вилоят партия кўмитасига меҳнатқашлардан келган ёзма аризалар ва оғзаки мурожаатномалар тўғрисидаги масала муҳокама қилинаётганда котибият фуқаролардан келаётган хатлар ва оғзаки шикоятларнинг характери анча ўзгарганлигини таъкидлади. Чунончи узоқ йиллар мобайнида биринчи марта хатларда, коммунистлар ҳамда партиясизларни яқка тартибда қабул қилиш вақтида улар КПСС ва Ўзбекистон Компартиясининг сиёсатига салбий таъсир қиладиган ижтимоий жараёнлардан ташвишга тушаётганликларини ошқора ифода эта бошладилар. Коммунистлар ва партиясизлар партия кўмиталари, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, партия мавқеини кучайтириш, коммунистлар фаолигини авж олдириш, юзасидан таклифлар киритмоқдалар.

Шу билан бирга шу нарса ҳам аниқландики, вилоят партия кўмитасига мурожаат қилиш ҳоллари одатда сансалорлик, кишилар эътиёжларини менсимаслик, айрим раҳбарларнинг жойлардаги калондимоғлиги, масалаларга ҳолис ёндашмаслиги туфайли содир бўлмоқда.

Бироқ бундай ҳолларга муносиб тарзда партиявий баҳо берилмаяпти.

Котибият вилоят партия кўмитаси бўлимлари эътиборини меҳнатқашларнинг партия кўмитасига ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чиқиш ишини жиддий равишда яхшилаш, қабул ишларида коммунистлар ва партиясизларни қизиқтираётган масалаларда уларнинг қатнашиши кераклигига эътиборни қаратди. Мазкур иш одамларнинг аниқ талабларини ҳал этиш, қонунчилик, адолат принциплари қарор топиши, одамлар шаънини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган партия ижтимоий сиёсатининг муҳим бўғинларидан биридир. Вилоят партия кўмитаси аппарати ходимлари ана шундан келиб чиқиб, масалага ёндашишлари лозим.

Котибият «СССР қонунларида назарда тутилмаган қуролли тузилмалар вужудга келтиришни тақиқлаш ва қуроллар ноқонуний сақланган ҳолларда уларни тортиб олиш тўғрисида» СССР Президентининг 1990 йил 25 июлдаги Фармони бажариш юзасидан Тошкент вилоят партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг иши тўғрисидаги масалани назорат тартибда кўриб чиқди.

Мазкур масала юзасидан Президент Фармони қандай бажарилаётганлиги шаҳар, район ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбар-коммунистлари иштирокида шаҳар, район партия кўмиталарининг бюро мажлисларида муҳокама қилиб, уни сўзсиз бажариш юзасидан қўшимча тадбирлар белгилаш топширилди.

17 МАРТ — СССР РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛДИ

РЕФЕРЕНДУМНИ ўтказиш ва унга тайёргарлик кўриш ишлари Янгийўл ноҳиясида кўнгилдагидек ўтказилмоқда. Ниёзбоши қишлоғида 21900 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқдаги 6 та овоз бериш участкасида 11 минг 396 киши рўйхатга олинди.

Участка комиссияларига бириктирилган 80 га яқин комиссия аъзолари ва 20 нафар ташвиқотчи маҳалларда бўлишиб, кишиларга «Референдум нима?», «Референдум қандай ўтказилади?» каби мавзулардаги суҳбатларни уюштиришмоқда, уларга қўйилаётган саволларнинг моҳиятини ҳам тушунтиришмоқдалар.

Т. Суханов, Н. Эргашев, Б. Шахрамовлар раислик қиладиган участка комиссияларида бу ишлар қизгин олиб борилмоқда.

А. РИХСИБОВ.

Қишлоқда ўлан янгради

Халқимизнинг шундай қадимий қўшиқлари борки, улар асрлар оша куйланиб келинаётган бўлса-да, охори тўкилмагандек... Биз бу ўринда «Ёр-ёр», «Келин салом», «Алла» каби халқ ўлан ва лапарларини назарда тутяпмиз. Улар катта-ю кичикни бирдек ҳаяжонга солади. Кексалар тинглаб ёшлик даврларини эслашса, йиғит-қизлар бир-бирларига ўтли боқишади.

Кунни кеча Пискент ноҳия-

сидаги «Партия XXVI съезди» совхози клубида бўлиб ўтган «Ҳар қишлоқнинг ўз ўлани бор» деб номланган кўрикда шу каби авлоддан авлодга кўчиб юривчи халқ лапар ва ўланлари сайқаланган, бойиган ҳолда янгради. Бу кўрикда совхознинг 1-сут товар фермаси ва 5-бўлим ҳузурда ташкил этилган фольклор ансамбллар қизлари ўзаро мусобақалашдилар. Улар ота-боболаримиз


урф-одатлари, таомилларини нечоғлиқ билишларини намойиш этдилар.

Томошабинларга айниқса фермада меҳнат қилувчи қизлар ижросидаги «Тўй» сахнаси, нишонга тегувчи сўз ўйинларига бой «Ёр-ёр», «Кув синаш», келин дугоналари ва куёв жўралари айтишувлари маъқул бўлди. Шунингдек, улар Мамлакатхон Отабоева куйлаган «Алла»сини ҳам узоқ олқишладилар.

5-бўлим қошида тузилган фольклор ансамбли қатнашчилари эса қозоқларнинг ўтмиш ҳаёти, миллий урф-одатларини ифода этган сахналарни намойиш қилдилар.

Беллашувда гўлиб чиққан 1-сут товар фермаси қизлари районда бўладиган кўрикка йўлланма олдилар. Район комсомол кўмитаси, хотин-қизлар кенгаши ва совхоз маъмурияти вакиллари давра иштирокчиларига рағбатлантирувчи мукофотлар топширдилар.

Х. РАИМОВА.



1991 йил

Алишер Навоий йили

«ШИРИН-АРМАНИСТОН МАЛИКАСИ»

Тошкентда арман маданияти маркази уюштирган ижодий кечага келган ҳар бир киши «Бари галуст», яъни арман тилидаги «Хуш келибсиз!» деган сўзлар билан кутиб олинди. Ижодий кеча буюк ўзбек классиги Алишер Навоийнинг 550 йиллик мавлуд тўйига бағишлаб ўтказилди.

Бир қарашда миллий марказ билан Навоий ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқдек кўринади. Шарқнинг даҳо мутафаккири ижодини у ёки бу даражада биладиганлар эса бундай деб ҳисоблашмайди. Зеро, Навоий асарлари байналмилал тусда бўлган. У яратган қаҳрамонлар орасида Чин-Мочин (Хитой) ҳоқонининг ўғли Фарҳод, форс Шопур, ҳинд Мақсуд ва Фарруҳ, араб

Мажнун бор. Кечада сўзга чиққан олимлар Навоий достонларидан бирининг қаҳрамони — Фарҳодни севиб қолган соҳибжамол Ширин арман қизи эканлигини фахр билан тилга олдилар. Гарчи у ўйлаб топилган шахс бўлса-да, шак-шубҳасиз, муайян аёллар қиёфаси билан тасвирланган. Навоий ўзининг идеал аёл феъл-атвори тўғрисидаги тасаввурини аини шу

образда ифодалашга уринган. Баҳодир йигитнинг сулувларини излаб Арманистонга жўнаши, кейин Фарҳоднинг укаси Баҳром бу мамлакатни Эрон зулмидан халос этиши тасвирланган «Фарҳод ва Ширин» достонининг ўзи Навоийнинг ушбу давлатга қизиқиш билан қараганлигидан далолат беради.

Кеча иштирокчилари Христовор Армянскийнинг Венецияда нашр қилинган китоби ўзбек шоирининг ижоди билан биринчилардан бўлиб таъништирилгани ҳам эътибордан четда қолдирмадилар. Табризлик арманнинг асари Европанинг кўпгина тилларига таржима қилинган, бир неча бор қайта нашр этилган. Шу китоб туфайли жаҳон Шарқда ижод қилган буюк истеъдод соҳиби билан танишди.

Олим Лазиз Қаюмов, хонанда Илс Маллаев, бастакор Аҳмад Жабборов, СССР халқ артисти Тамираҳонимлар олиб борган «Навоий ва Арманистон» мавзуси ўз-ўзидан ҳозирги кун билан боғлиб кетди.

Маънавий анъаналар йўқолиб кетмаслиги, халқлар ўр-

тасидаги дўстлики эса конкрет ишлар билан мустаҳкамлаш керак — бу фикр кечада сўзланган нутқларнинг ҳаммасида билдирилди. «Мен ўзим арман қизиман, лекин мени ўзбек маданияти воғза етказди, — деди Тамираҳоним. — Оиламининг, сингилларимнинг ҳаёти ҳам ўзбек замини бизнинг камол топшимиз учун нақадар катта аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади. Ота-оналарим тақдир тақозоси билан келиб қолган бу ўлка қалбимиздан абадий жой олган. Агар бу ўлка кўп жиҳатдан Навоий туфайли қадрдон бўлиб қолган, десам, нотўғри бўлмайди. У буюк мутафаккир ва сўз сеҳргаригина эмас, шу билан бирга инсонларни инсон қилган муҳаббат ва эзгуликни мадҳ этган одамдир. Фарҳод ва Ширин тарихини қайта-қайта ўқиб эканман, ҳар гал бу сўнмас муҳаббат алангасини ёққан Навоий даҳосига қойил қоламан. Мен ана шу аланга бизни ҳозир ҳам иситиб туришини истардим».

Э. ТУХВАТУЛЛИНА, УЗАГ муҳбири.



**ОЛИМЛАР
БИЛАН
ҲАМКОРЛИҚДА**

ИССИҚЛИК электр марказини Олмалик кон-металлургия комбинатининг юраги, деб бежиз айтишмайди. Комбинатга қарашли ўнлаб корхоналардаги фойдали қазилмалар қазиб чиқаришда, уларни қайта ишлашда фойдаланилаётган асбоб-ускуналар, агрегатларнинг бир маромда ишлаши кўп жиҳатдангина эмас, ҳатто асосан шу нурхона жамоаси ишига боғлиқ. Айни вақтда ҳосил қилинаётган иссиқ сув шаҳардаги сонсиз-саносиз маъмурий, маданий-маиший бинолар, уй-жойлар эҳтиёжи учун фойдаланилмоқда.

Қисқаси марказнинг шаҳар иқтисодиётидаги мавқеи каттадир. Лекин айни вақтда у атроф-муҳитни анча ифлослантирувчи манба ҳам ҳисобланади. Унинг дудбўронларидан тугун, унга аралашиб ҳаво ҳавзасига тарқалаётган, бу шаҳарда экологик ҳолатнинг кескинлашишига сабаб бўлаётган кўп зарарли моддалар чиқади. Бу табиат мусоффолиги, инсон саломатлиги учун қанчалик зарарли эканлиги ҳаммага аён. Фойдаланилаётган турли қаттиқ ва суяқ ёқилғи-ёнилғилар шунга сабаб бўляпти.

Азот оксиди ва чанг-туғуннинг атроф-муҳитни булғатишини батамом, жилла қурмас қисман бартараф этиш мумкин эмасми? Марказ мутахассислари бу масалани ҳал қилишда ёрдам сўраб айрим илмий муассасалар жамоаларига мурожаат қилдилар. «Унипро-медь» илмий-тадқиқот институти кўмаклашишга тайёр эканлигини билдирганда хурсанд бўлишди. Ахир шу камчилик туфайли жуда кўп жойларда танқид қилиндилар, атрофда истиқомат қилувчиларнинг таъналарини тингладилар.

Олимлар ўтган йили ишга киришишди. Улар ультратовуш нурлатгичдан фойдаланишни таклиф этишди. Дастлабки синовлар натижаси ёмон бўлмади. Ҳисобларга қараганда амалга оширилган ишлар туфайли зарарли чиқиндиларнинг атроф-муҳитга тарқалиши 25 фоизгача камайдди. Энг зарарли азот оксидининг чиқиши ҳам тўртдан бир қисм миқдорда қисқарди.

Бу нурхонани экологик тоза корхонага айлантириш бўйича амалга оширилган дастлабки тадбирларнинг биридир. Шу мақсадга қаратилган ишлар кўлами янада кенгайди. Чунки институт жамоаси ўз изланишларини бу йил ҳам, кейинги йилларда ҳам давом эттиришни мўлжалляпти.

Н. УМАРОВ.


**ТОШКЕНТ
ҲАЙВОНОТ
БОҒИДА**



1. Тасқара.



2. Қўтос.



3. Лама.

Суратқаш Д. АҲМЕДОВ ва А. ЗУФАРОВ.

**АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФО БУЛСИН
СИЛЖИШ БОР, БИРОҚ...**

ЯНГИЙУЛ вилоятининг йирик sanoat марказларидан бири ҳисобланади. Бу ерда, айниқса, енгил ва озиқ-овқат sanoati тармоқлари етакчи ҳисобланади. Ҳаммаси бўлиб эса шаҳарда қирқтадан ортиқ катта-кичик корхоналар ва ташкилотлар жойлашган. Бу шаҳар атмосфераси, атроф-муҳити ва сув ҳавзаларининг мусоффолигини таъминлашни жуда кескин қилиб қўяди. Бу муаммо билан шуғулланувчи етакчи ташкилот эса шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасидир. Унинг раиси В. МАҲМУДОВ билан суҳбатимиз ҳам кўмитанинг ўтган йилги фаолияти ҳақида бўлди.

— Шаҳримиз хўжалиги кўп тармоқли, — деди раис. — Бу ерда ўнлаб sanoat корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари ишлаб турипти. Деярли уларнинг ҳаммаси атроф-муҳитни, сув ҳавзаларини, тупроқни ифлослантирувчи манба ҳисобланади. Шундай бўлгач уларда табиатни муҳофаза қилиш қонун-қоидаларига амал қилинишини муттасил назорат остида сақлаш лозим.

Сир эмас, уларнинг кўпчилигида бу иш талаб даражасида эмас. Улар барпо этилган вақтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи деярли назарда тутилмаган, назарда тутилса ҳам заррлик бўлмаган. Бу умуман табиатни сақлашга қолдиқ принциплари асосида ёндашиш оқибатидир. Шундай бефарқлик эндиликда жуда йирик муаммони вужудга келтирдики, уни ҳал қилиш учун катта миқдордаги маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этмоқда.

Ҳозирги вақтда бу мақсадда амалга оширилаётган тадбирлар кўлами кенгаймоқда. Кейинги йилларда бу хайрли ишга пул ажратиш кўлайиб бормоқда. Фикримнинг далили учун ўтган йилги ҳаражатни келтиришим мумкин. Йил давомида табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун икки миллион ермиш уч ярим минг сўми сарфлаш режалаштирилган эди. Унинг 982,5 минг сўми атмосфера ҳавосини мусоффо сақлаш, бир миллион 91 минг сўми сув ҳавзаларининг тозаланиши таъминловчи ишларга ажратилган эди. Афсусланарлиси шундаки, бу маблағнинг тўла ўзлаштирилиши таъминланмади. Ҳаммаси бўлиб бир миллион 850 минг сўмликдан сал кўпроғи ишлатилди. Атмосферани мусоффо сақлашга ажратилган маблағ ҳисобига ишлар анча ошиғи билан бажарилгани ҳолда сув ҳавзаларининг тозаланиши таъминловчи ишшоотлар қурилишида мўлжалдагига эришилмади.

Утган йили шаҳар бўйича зарарли моддаларни ҳавога чиқариш олдинги йилдагига нисбатан камайдди. Камайиш 229 тоннани ташкил этди. Бунда мебель фабрикасининг ҳиссаси катта бўлди. Корхонада ҳавони ишлаб чиқариш чиқиндилари билан булғатишни камайтиришда яхши натижаларга эришилмоқда. Шу мақсадда чанг-туғун, чиқинди, газ-исни ушлаб қолувчи мосламалар ўрнатилмоқда. Бу билан, аввало, корхона худуди ҳавосининг тозаланиши яхшиланяпти.

Пахта заводиди ҳам ҳавони ифлослантирувчи чиқиндиларнинг чиқиши деярли ўн беш тоннага камайдди. Бу ерда атроф-муҳит мусоффолигини таъминлашга қаратилган қатор чоралар қўрилди. 8-ғишт заводлари бошқармасида зарарли моддаларнинг атмосферага тарқалиши 104 тоннага камайдди, бироқ асосан ишлаб чиқариш ҳамми камайганлиги учун шундай бўлди.

Табиат, атроф-муҳит, сув ҳавзаларининг тозаланиши таъминлаш тартиб-қоидаларига амал қилишдаги камчиликлар ошиб-тошиб ётипти. Ўтказилган текширишлар

шундан далолат бериб турибди. Ўтган йили давомида кўмитамиз томонидан юз мартадан ортиқ текширув ўтказилди. Ҳавони, тупроқ ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилган бу текширишлар натижасида саксон санкизта акт тузилди. Камчиликларга йўл қўйган мансабдор кишиларга нисбатан турли-туман жазо чоралари қўрилди. Улар мукофот пулининг мўайян қисмидан маҳрум этилди. Улар орасида корхоналар директорлари, бош муҳандислар кўпчилигини ташкил этади.

Табиатни муҳофаза қилиш тартибини бузганлиги учун мансабдор кишилардан ундириб олинган маблағ бир минг сўмдан ошиб кетди. Умуман эса деярли 119 минг сўм жарима ундириб олинди. Шаҳар корхоналари ва ташкилотларида табиатни муҳофаза қилиш ишлари ҳам талабдан жуда орақда қолаётганлигини шу рақамлар ҳам кўрсатиб турипти.

Шаҳар ҳавоси лозим даражада мусоффо бўлиши учун ҳали жуда кўп иш қилиш керак. Шундай бўлгач корхоналар ва ташкилотларда атроф-муҳитнинг тозаланиши таъминлашга ёрдам берувчи ишлар кўламини кенгайтириш, белгиланган тадбирлар — чиқитисиз ва илгор технологияни жорий қилиш, тозалаш ишшоотларини қуриш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш юзасидан техникавий чораларнинг тўла ва муддатига амалга оширилишига эришиш керак. Кўмитамиз эса бундай ишлар устидан назоратни кучайтираверади. Мақсадимиз ҳаво, сув ҳавзалари, ишлаб чиқариш майдонлари турли хил зарарли чиқиндилардан ҳалос бўлишига эришишдир. Шу йўлдаги барча хайрли ишларни қўллаб-қувватлайверамиз, камчиликларга нисбатан эса мурасиз бўламиз, бизга берилган ҳуқуқлардан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

М. МАҲМУДОВ.

**«ЯШИЛЛИК»
ЯРАТУВЧИЛАР**

Оҳангарон ўрмон хўжалиги жамоасини шундай деб айтишлари бежиз эмас. Ҳақиқатдан ҳам улар ҳар йили кўплаб янги боғ-роғлар барпо этишади. Биргина ўтган йилнинг кузида Нишбош сойининг тоғ ёнбағирларида 35 гектар янги ерларни ўзлаштирилди. Бу ерда трасса усулида ўн минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Бу хайрли ишда бульдозер машинисти Обил Қўшбоев жонбозлик кўрсатди. Чунки тоғ жинсларини кўпорши, тик қояларни текислаш, уларни кўчатлар экишга мослашнинг ўзи бўлмади. Бу бульдозер машинистидан чаққонлик ва эчкиликни, матонат ва моҳирликни талаб этади. Обил Қўшбоев эса шундай фазилатларни ўзида мужасам қилган ўрмончидир.

Хўжалик жамоаси бошқа

юмушларни ҳам бажармоқда. Ҳар йили кўплаб мевали ва манзарали дарахтлар кўчатлари етиштириляпти. Биргина ўтган йили 500 минг туп ниҳоллар миқозларга сотилди. Бу режада назарда тутилганидан 219 мингга кўпдир. Айни вақтда доривор ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Ўтган йили фақат қизилпойчанинг ўзидан 2180 килограмм тайёрланди. Бу режада белгиланганидан икки ярим баробар кўпдир.

Хўжалик ўрмончилари илик кунлар келиши билан яна боғроғлар яратиш ишларини кенг кўламда бошлаб юбориш учун пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

М. МУҲАМЕДОВ.

«Тошкент ҳақиқати» рўномаси ҳузуридаги ишчи-деҳқон мухбирлари дорил-фунуни тингловчиси.

**БУ ТУРФА
ОЛАМ**

ҚУРИҚ ЕРЛАР
● **КУРРАИ** заминининг каммида учдан бир қисми (тахминан 45 миллион квадрат километр) ҳали ҳам ўзлаштирилмаган қуриқ ҳисобланади. Бундай ерлар бўлган асосий регионлар қуйидагилардир: Гренландия жами майдонининг 99 фоизи ўзлаштирилмаган. Бундай ерлар

Австралияда 68 фоизни, Канадада 65, Совет Иттифоқида 34 фоизни ташкил этиб турибди. Шунингдек, Бразилияда [32 фоиз], Суданда [32 фоиз], Австралияда [30 фоиз], Саудия Арабистонида [28 фоиз], Тибетда [24 фоиз] ҳам бундай майдонлар анча кўп.

ОКЕАН ИЛИМОҚДА...

● **ЖАҲОН** океани сувининг юзи муттасил кўтарилиб бормоқда. Масалан, бунинг оқибатида сувдан бор-йўғи 1—1,5 метр баланд бўлган Мальдив ороллари аста-се-

кин океанга чўкмоқда. Айрим соҳил участкаларини бетон дамбалар билан муҳофаза қилишга тўғри келмоқда.

Океанининг қуруқликка бундай ҳужум қилишининг асосий сабабларидан бири — атмосфера, у билан бирга ер қобиғи илиб бораётганлигидир. Оқибатда музликларнинг эриши кучайди, океан суви исшидан кенгаймоқда. Олимлар унинг кўтарилиш даражаси тезлигини йилга 1,2 миллиметрдан 1,4 миллиметргача бормоқда, деб ҳисобламоқдалар. Канадалик тадқиқотчи Пельтье қуруқликлар-

нинг «сузиб юришини» ҳам ҳисобга олиш керак, деб айтилади.

Ҳамма гап шундаки, тахминан бундан 10 минг йил илгари Шимолий Европа музликларининг қаттиқ исқанжасидан ҳалос бўлгач, унинг оғирлигидан букилган курраи замин аста-секин олдинги шаклига қайтмоқда. Қуруқликнинг бир қисми, Шимолий ва Болтик денгизлари туби эса кўтариляпти. Пельтенинг фикрича, океан суви йилга барча сабаблар оқибатида 2,4 ± 0,9 миллиметргача кўтариляпти.



КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Душанба *

4 МАРТ

● УЗТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.05 «Бувижон, ўргатинг!», «Оқ бўталок». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун концерт.
19.00 «Хуқуқ ҳаётида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Севги ва баҳор тароналари.
20.30 «Ахборот».
20.50 Чолғу куйларидан концерт.
21.25 Ботир Зокиров хотирасига бағишланган ёш эстрада хонандаларининг телевизион кўриги ҳақида.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Халқ иродаси».
22.25 Уткир Ҳошимов. «Дунёнинг

ишлари». Телеспектакль. 1-қисм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

19.00 «Ассалому алайкум» (такрор).
20.00 «Спринт» (рус тилида).
20.15 «Қишлоқда аҳволлар қандай?».
20.50 «Тожикистон жумҳурияти киносанъати». Кинокўрсатув.
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Душанба оқшомида». Бадий-публицистик видеоканал.

● МТ I

7.00 «Тонг».
9.30 «Мулоқот» Иқтисодий шарҳ.
9.50 Футбол шарҳи.
10.20 Мультфильмлар.
10.55 «Тилларанг булут ухларди». Бадий фильм (М. Горький номили киностудия).

12.30 «ТСН».
12.45 «Тандир, арча, олов...». Телевизион ҳужжатли фильм (Тошкент).

* * *

15.30 «ТСН».
15.45 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Гаровга тикилган ҳаёт». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 16-фильм.
16.40 «Тунда ким ўроқ билан ўради». Ҳужжатли фильм премьераси.
(Свердловск киностудияси).

17.10 Концерт.
17.45 Мультфильм.
18.00 Болалар соати (француз тили дарси билан).

19.00 «ТСН».
19.15 «Севгидан ҳузур-ҳаловатим йўқ».
20.10 «Аёлни изланг». Телевизион бадий фильм. 1-серия («Мос-

фильм»).
21.30 «Время».
22.15 Футбол шарҳи.
22.45 Эфирда мусиқа.
00.45 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.

Тунги телевидение
01.00 «Жумбоқнинг ечилиши». Телевизион бадий фильм («Таллинфильм»).

02.20 Алла Баянова концертида.
● МТ II
8.00 «Ишбилармон кишининг тонги».
9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

Уқув программаси
9.15 Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Физика. 10-синф.
Электроника халқ хўжалигида.
10.05 Италия тили.
11.05 «Адам Смит бойлиги дунёси».

11.40, 12.35 Биология. 7-синф. Кичик биродарларимиз ҳақида.
12.10 «Иссиқ нон». Илмий-оммабоп фильм.

13.05 «Яшаш муҳити». Телевизион бадий фильм («Лентелефильм»).

14.15 «Байрамга таклиф». Телефильм.
15.15 РСФСР халқ артисти О. Воронец куйлайди.
15.35 «Планета». Халқаро программа.

* * *
17.30 «Деҳқончилик юмушлари». 1-кўрсатув.

18.15 Рязан Давлат рус халқ хори ижро этади.

18.40 «Агар сиз...».
19.25 Мультфильм.

19.40 «Телевизион мусиқий абонемент».
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!

20.45 Фристайл. Жаҳон кубоги. Тисовецдан кўрсатилади.
21.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).

22.15 «Қочоқ». Телевизион бадий фильм премьераси (Одесса киностудияси).
23.40 «Босқичлар» (2 февралдаги кўрсатув такрорланади).
00.55 Концерт.

Сешанба *

5 МАРТ

● УЗТВ I

9.00 «Табиати асранг». Кинопрограмма.
10.00 «Амина». Ҳужжатли фильм.
10.30 «Баҳорги олимпиада ёки хор бошлиғи». Бадий фильм. 1-серия (М. Горький номили киностудия).

* * *

18.00 Янгиликлар.
